

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 37 (1636), 2026 йил 24 февраль, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАСЛАХАТЧИ СУМА ЧАКРАБАРТИ БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев 23 февраль куни иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабартини қабул қилди.

Маслаҳатчининг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, умумтаълим муассасалари салоҳияти ва инвесторлар билан стратегик коммуникацияни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислохотлар, давлат бошқаруви, таълим соҳаларидаги илғор халқаро тажриба ва стратегик режалаштириш амалиётини изчил жорий этиш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимиз инвестиция салоҳиятини тарғиб қилишни янада кенгайтириш масаласига тўхталиб ўтилди.

Ў.А.

ЙИРИК ЭНЕРГЕТИКА ЛОЙИҲАЛАРИ ТИЗИМ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев йирик энергетика лойиҳаларини амалга ошириш, энергия тизими барқарорлигини таъминлаш ва энергия самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Танқидий таҳлил руҳида ўтган йиғилишда қайд этилганидек, мамлакатимизда электр энергияси бўйича жами генерация қувватлари 25,8 минг мегаваттга етди. Шундан қуёш, шамол ва гидроэнергетика 8 минг мегаватт, яъни умумий ҳажмининг 31 фоизини ташкил этмоқда.

2026 йилда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини 90 миллиард килловатт-соатга етказиш режалаштирилган бўлиб, бу 2020 йилга нисбатан 40 фоиз ўсиш демакдир.

Жорий йилда иқтисодий ўсиш ҳамда тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши ҳисобига электр истеъмоли яна 1 миллиард килловатт-соатга ортиши кутилмоқда. Шу муносабат билан аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжларига мос равишда энергия ресурсларини узлуксиз етказиб бериш, тармоқларни янгилан, инвестицияларни кўпайтириб, йирик лойиҳаларни ўз вақтида

ишга тушириш биринчи навбатдаги вазифа сифатида белгиланди.

Бугунги кун ҳолатига кўра, ёқилги-энергетика мажмуидаги инвестиция портфели 133 та лойиҳани қамраб олган бўлиб, умумий қиймати 51,4 миллиард долларни ташкил этмоқда. Шундан 43 миллиард долларлик 73 та йирик лойиҳа бўйича тизимли ёндашув қилиб, йил якунига қадар 6 минг 770 мегаватт янги қувватларни ишга тушириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу 2,8 минг мегаватт қуёш, 2,5 минг мегаватт иссиқлик, 470 мегаватт шамол, 68 мегаватт гидроэнергетика қувватлари ҳамда 884 мегаватт энергия сақлаш тизимларидир.

Бироқ айрим лойиҳаларни келишиш ва ер ажратиш билан боғлиқ жараёнларда турли сустакликларга йўл қўйилмаётгани оқибатида мавжуд лойиҳаларни кенгайтириш ҳам-

да янгиларини бошлаш орқага сурилаётгани танқид қилинди. Мутасаддиларга ер ажратиш ва тоифасини ўзгартириш ишларини тезлаштириш топширилди.

Умуман, жойларда энергетикани ривожлантириш ва энерготехнологияларни таъминлашда Энергетика вазирлиги ҳамда ҳокимликлар яқин ҳамкорлик ва мувофиқлашув асосида ишлаши зарурлиги қайд этилди.

Лойиҳаларни амалга оширишда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва маҳсулотлар иштирокчини янада кенгайтириш муҳим экани таъкидланди. 2025 йилда инвестиция лойиҳаларида маҳаллий компонент улуши 737 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2026 йилда бу кўрсаткичи 1 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган.

► Давоми 2-бетда

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИДА МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигини махсус техника билан таъминлаш ҳамда соҳага рақамли технологияларни кенг жорий этиш юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида механизация даражаси 81 фоизни ташкил этмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда 1 минг 756 та пахта териш машинаси харид қилинди ва пахта теримининг механизация даражаси 52 фоизга етди. Ўтган мавсумда 2,1 миллион тонна пахта машина ёрдамида йиғиб олинган. Бунинг ҳисобига кейинги беш йилда қўл меҳнати 1,8 баробар қисқарди.

Навбатдаги вазифа — пахтани машинада териш улушини камида 70 фоизга етказиш. Бунинг учун 2026 йилда 800 та пахта териш машинаси, шунингдек, 6 мингта сеялка, трактор ва комбайн харид қилиниши режалаштирилган. Умуман, йил давомида 10 мингта янги техника харид қилиниб, қишлоқ хўжалиги техникалари парки 292 мингтага етказилиши кўзда тутилган.

Янги техникаларни фермерларга қўлай шартларда лизингга бериш мақсадида халқаро молия институтларидан 400 миллион доллар жалб қилинади. Техникалар миллий валютада 2 йиллик имтиёзли давр билан 10 йилга 18 фоиз ставкада берилиб, кредит ставкасининг 8 фоизи бюджет ҳисобидан қўллаб берилади.

Тақдимотда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш устувор вазифа экани таъкидланди.

2026-2028 йилларда маҳаллий ишлаб чиқариладиган техника ва агрегатлар ҳажмини 5 баробарга, маҳаллийлаштириш даражасини қўшимча 10 фоизга ошириш муҳим экани кўрсатиб ўтилди. Хусусан, 2026 йилда ишлаб чиқариш 6 минг донагача етказилиши, 2028 йилга қадар маҳаллийлаштириш кўрсаткичи ўзбор техникада 30-35 фоизга, осма ва тиркамали техникада 60-65 фоизга чиқарилиши режалаштирилган.

Техника ва агрегатларни сотиб олишда субсидиялашнинг амалдаги тизимини маҳаллийлаштириш даражаси 25 фоиздан юқори бўлган техникага татбиқ этилмоқда. Тақдимотда талаб юқори бўлган 3 турдаги импорт техника бўйича ҳам субсидия ажратишни йўлга қўйиш тақдир қилинди. Умуман,

жорий йилда техника қийматининг 15 фоизини қоплаш учун 660 миллиард сўм субсидия йўналтирилиши кўзда тутилган.

Тақдимотда Тошкент трактор заводи фаолиятини соғломлаштириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам кўриб чиқилди.

Соҳада замонавий банк хизматларини йўлга қўйиш, рақамли технологиялар ва сунъий интеллектга асосланган ечимларни жорий қилиш борасидаги ишлар ҳам тақдимот қилинди.

2025 йилда “Агробанк” АТБ томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси учун 1,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичи 3,9 триллион сўмга етказиш кўзда тутилган. Кредитлаш жараёнларини автоматлаштириш натижасида кредит ажратиш муддати 3 кундан 3 соатгача қисқариши кутилмоқда.

Бундан ташқари, миқдорларга комплекс қишлоқ хўжалиги хизматлари кўрсатилади. Бунда ҳар бир ҳудудда биттадан агрохизмат зоналари ташкил этилади ва уларда қишлоқ хўжалиги агенти фаолият юритади. Ушбу зоналарда фермерлар бир жойнинг ўзида банк, консалтинг, мониторинг, тупроқ таҳлили, кўчат етказиб бериш хизматлари, агроном маслаҳатидан фойдаланишлари, ўқув курслари ҳақида маълумот олишлари мумкин бўлади.

Банкнинг чорвачилик ва мевачиликда, сувни сарфини “ақлли” бошқаришда сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича пилот лойиҳаларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалигида стартапларни молиялаштириш мақсадида устав капитал 100 миллиард сўмлик янги венчур компаниясини тасвир этиш борасидаги режалари ҳам кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари тақдирларни маъқуллаб, қишлоқ хўжалигида механизация даражасини янада ошириш, маҳаллий ишлаб чиқариш ва сервисни ривожлантириш, рақамли платформалар орқали мониторинг ва молиявий хизматларни яхшилаш юзасидан мутасаддиларга бир қатор кўрсатмалар берди.

Ў.А.

НЕФТЬ ВА ГАЗ ТАРМОҒИДАГИ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев “Ўзбекнефтегаз” акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича берилган топшириқлар ижроси билан танишди.

Жорий йил 30 январь куни бўлиб ўтган тақдимотда компания фаолиятида операция самарадорлигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, геология-қидирув ишларини кенгайтириш, углеводород захираларини кўпайтириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган эди.

Бугун давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларнинг бориши ҳақида ахборот билан танишди. Аввало, компания фаолиятида харажатларни мақбуллаштириш бўйича қўрилган чоралар ҳақида маълумот берилди. Жумладан, марказий аппаратнинг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, оптималлаштирилмоқда. Ишлаб чиқариш

хизматлари, товар ва материаллар нархлари ҳамда пудрат ишлари бўйича нархларни қайта кўриб чиқиш, кредит портфелини тартибга солиш бошланди. Соҳага оид бўлмаган активлар тасарруфдан чиқаришмоқда.

► Давоми 2-бетда

**МАҲАЛЛА ВА ЁШЛАР
ЖАМИЯТНИНГ ИККИ ТАЯНЧ УСТУНИ**

Ўзбекистон сиёсий ҳаётида ҳар бир йил номи бежиз танланмайди. Жорий йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши ҳам тасодиф эмас. Чунки маҳалла фақат маъмурий бўғин эмас, балки ёшлар тақдири, тарбияси ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш маскани ҳамдир.

Маҳалла асрлар давомида ўзбек жамиятининг таянч устуларидан бири бўлиб келган. Бу масканда инсон ҳаёти гўдақликдан кексаликкача давом этади: бола шу ерда туғилади, ўлгади, оила қуради, қувонч ва ташвишларини кўни-қўшни билан бўлишади. Демак, маҳалла шунчаки ҳудудий бирик эмас, қадриятлар, урф-одатлар, тарбия ва бирдамликни авлоддан авлодга ўтказиб келаётган ижтимоий мактабдир.

► Давоми 5-бетда

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида тармоқ ва ҳудудларда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши мазмун-моҳиятига кўра, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг сифат жиҳатидан янги босқичга ўтаётганини кўрсатиб берган дастурий муҳокама сифатида намойён бўлди.



Билдирилган фикрлар, қўйилган вазифалар ва танқидий мулоҳазалар иқтисодий ўсишга бўлган муносабатда муҳим бурилиш юз берганини кўрсатади. Энди иқтисодий натижалар фақат ялпи кўрсаткичлар билан эмас, балки уларнинг мазмунини, барқарорлигини ва аҳоли ҳаётига қай даражада таъсир қилаётгани билан баҳолашмоқда.

Агар аввалги йилларда “Иқтисодий ўсиш борми-йўқми?” деган савол устувор-

лик касб этган бўлса, бугун кун тартибидан мутлақо бошқа масала турибди. Бу ўсиш қай тарзда, қайси манбалар ҳисобидан ва қай даражада сифатли таъминланмоқда? Айнан шу нуқта йиғилишнинг бош ғоясини белгилади.

► Давоми 3-бетда

**ДИҚҚАТ, ЯНГИ ЛОЙИҲА:
“ҲИ-МУЗЕЙЛАРГА”
МУСИҚА ИЛМИНИНГ
ХАЗИНАБОНИ
ЮНУС РАЖАБИЙ ИЖОДХОНАСИГА САОҲАТ**

Мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлар жараёнида миллий хотирани асраш, халқимизнинг бой маданий меросини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан.

Айниқса, сўнгги йилларда миллатнинг буюк фарзандлари, маърифатпарвар аждодларимиз яшаб ижод қилган муқаддас гўшалар — уй-музейлар фаолиятини такомиллаштиришга эътибор сезиларли ортиб бораёттир.


Бугунги кунда юртимиз бўйлаб фаолият юритаётган йигирмадан зиёд уй-музей

шунчаки экспонатлар мажмуаси эмас, балки тарих ва бугунги боғловчи “олтин кўприк”, ёш авлод қалбиде ватанпарварлик туйғуларини шакллантирувчи маънавий ўқоқлардир. Уларда аждодларимизнинг нафас, юксак тафаккури ва халқпарварлик руҳи яшайди.

► Давоми 6-бетда

Сўнги уч йилда мамлакатимиз саноатининг 21 фоиз ўсгани ижобий натижа. Бироқ йиғилишда қатор туманларда саноат ўсиши 10 фоизга ҳам етмагани кескин танқид қилинди. Бу ҳолат иқтисодий ўсишнинг ҳудудларда бир хил эмаслигини кўрсатади.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЮҚОРИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА



Нодир ЖУМАЕВ,
Олий Мақсис Қонунчилик палатаси кўмита раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бошланиши 1-бегда

Йиғилишда 2026 йил учун белгиланган 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш прогнози "эҳтиёткор" деб баҳоланди. Бу таъриф ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ, Геосиёсий беқарорлик, ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришлари, халқаро молия тизимидаги хавфлар шартотида ҳаддан ташқари оптимистик прогнозлар иқтисодий сиёсат учун хавфли бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, 167 миллиард долларлик янги ички маҳсулот мақсадида реал ҳисоб-китобларга асосланган стратегик сценарий сифатида намоён бўлмоқда. Бу ерда асосий урғу иқтисодий ўсишни ташқи омилларга боғлаб қўймасдан, ички бошқарув сифатини яхшилаш орқали таъминлашга қаратилди.

Муҳокама қилинган энг муҳим ва айтилган энг принципал масалалардан бири стратегик корхоналар фаолияти самарадорлигига оид бўлди. Бу бежиз эмас. Чунки айнан шу тоифадаги корхоналар мамлакат саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг салмоқли қисmini таъминлайди, бюджет даромадларига бевосита таъсир қилади ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлик даражасини белгилайди.

Миллий инвестиция жамғармаси бошқаруви жағалб этилган халқаро консалтинг компания таҳлиллари стратегик корхоналардан корпоратив бошқарув, логистика, рақамлаштириш ва энергия самарадорлиги бўйича сезиларли ички захиралар мавжудлигини кўрсатади. Бу эса иқтисодий ўсишни таъминлашда янги ресурслар жалб этишдан кўра, мавжуд имкониятларни самарали сафарбар этиш масаласи биринчи ўринга чиқарилгандаларидир.

Президентимиз томонидан бидиртилган "иқтисод қилиш режаси ишлаб чиқаришни камайитириш ҳисобидан эмас, балки маҳсулот таннархини қисқартитириш орқали таъминлашни шарт" деган фикр стратегик корхоналар учун аниқ ва қатъий талаб сифатида янгради. Чунки узок йиллар давомида иқтисод қилиш тушунчаси кўп ҳолларда ижтимоий жиҳатдан ориқли қарорлар, яъни иш ўринларини қисқартитириш ёки инвестицияларни кечикитириш билан боғлиқ келинган эди.

Аслида эса замонавий иқтисодиётда иқтисод қилиш дегани логистика занжирларини қисқартитириш, харид жараёнларини шаффоф ва рақамли асосда ташкил этиш, энергия ва хомашё сарфини камайитириш, бошқарув қарорларини аниқ маълумотлар асосида қабул қилиш демакдир.

Шу маънода, 19 та стратегик корхона раҳбарларига берилган ушбу вазифа иқтисодий ўсишни янги ресурслар жалб этиш орқали эмас, балки харажатлар тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳисобидан таъминлаш зарурлигини кўрсатиб бермоқда.

Стратегик корхоналарни "Ягона газначилик" тизимига улаш иқтисодий бошқарувда сифат ўзгаришини таъминлайдиган муҳим қадамдир. Чунки йирик молиявий айланмага эга корхоналарда назоратнинг етарли даражада марказлашмагани самарасиз харажатлар ва ресурслар йўқотилишига сабаб бўлади. Давлат харидларини риск-таҳлил асосида тоифалаш орқали бошқариш тақлифи ҳам айнан шу муаммони бартараф этишга қаратилган. Бу ерда гап фақат коррупция хавфини камайитириш эмас, балки ҳар бир қарорнинг иқтисодий оқибатини олдиндан баҳолаш маданиятини жорий этиш ҳақида кетмоқда. Бундай ёндашув давлат харидларини иқтисодий ўсишни кўллаб-қувватловчи воситага айлантириш имконини беради.

Сўнги уч йилда мамлакатимиз саноатининг 21 фоиз ўсгани ижобий натижа. Бироқ йиғилишда қатор туманларда саноат ўсиши 10 фоизга ҳам етмагани кескин танқид қилинди. Бу ҳолат иқтисодий ўсишнинг ҳудудларда бир хил эмаслигини кўрсатади.

Йиғилишда қайд этилганидек, айрим ҳудудларда инвестиция ва кредит оқимлари ўсган бўлса-да, саноат ишлаб чиқаришида кутилган самарани бермапти. Бу ҳолат инвестиция лойиҳалари билан ишлашда тизимли камчиликлар сақланиб қолаётганидан далолат.

Вилоят ҳокимларининг биринчи ўринборларига туманларда жойида ишлаш вазифаси

қўйилиши ҳудудий бошқарувда амалий натижа ва шахсий масъулиятни кучайтиришга қаратилган муҳим қарор сифатида баҳоланади.

Мамлакатимиз саноатини камида 8,5 фоиз ошириш бўйича тармоқбай ва ҳудудбай режаларни тасдиқлаш ҳамда биринчи чорва яқунлари бўйича раҳбарлар фаолиятига баҳо бериш механизминини жорий этиш иқтисодий сиёсатда шахсий жавобгарликни кучайтиришга хизмат қилади.

Иқтисодий ўсишнинг аниқ раҳбарлар фаолияти билан боғлиқлиги бошқарувда натижага йўналтирилган янги маданият шаклланиётганини кўрсатади. Энди ажратилган ресурслар учун ҳисобот эмас, аниқ иқтисодий самара талаб қилинади.

Видеоселектор йиғилишида автомобиль саноатида алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу тармоқ нафақат саноат ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғини, балки бутун иқтисодиётга мультипликатив таъсир кўрсатуви стратегик соҳалардан биридир. Юртимизда йилга 650 минг дона автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга йирик корхоналар мавжудлиги ушбу тармоқнинг катта салоҳиятга эгалигини яққол кўрсатади.

Бироқ йиғилишда очик айтилганидек, мавжуд қувватлардан тўлиқ фойдаланиш масаласи ҳали ҳам долзарб. Шу боис, жорий йилда автомобиль ишлаб чиқариш ҳажминини 510 минггага етказиш вазифаси қўйилди. Бу мақсадга эришиш эса фақат ишлаб чиқаришни ошириш билан эмас, балки маҳаллий кооперацияни кенгайтириш ва ички бозор талабини рағбатлантириш билан бевосита боғлиқ, 300 дан зиёд маҳаллий корхона билан ҳамкорликда 763 та янги деталь ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаси импорт ўринини босиш, валюта тежаш ва маҳаллий саноатни ривожлантириш нуқтаи назаридан муҳим қадамдир. Жараёнда автомобиль саноати иқтисодиётнинг локомотиви сифатида фаолият юритиб, унга боғлиқ бўлган ўнлаб тармоқларни харақат келтиради.

Ички бозор талабини қўллаб-қувватлаш масаласида автокредит ставкаларини пасайитириш ва улар ҳажминини ошириш бўйича берилган топшириқ муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида мувозанат таъминланмас, ҳатто энг замонавий корхоналар ҳам тўлиқ қувватда ишлаш олмайди.

Инвестиция сиёсати муҳокамалари иқтисодий бошқарувда концептуал бурилиш содир бўлаётганини кўрсатади. Энди инвестиция масаласи жалб қилинган маблағ ҳажми билан эмас, балки унинг иқтисодий самараси билан баҳоланади.

Жорий йилда 50 миллиард доллар хоржий инвестиция жалб қилиш режаси қўйилгани катта мақсад. Аммо таъкидланганидек, янги лойиҳалар фақат қурилиш ёки қувват ишга тушириш билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар юқори қўшилган қиймат яратиши, экспортга йўналтирилган бўлиши, ресурслардан самарали фойдаланиши ва барқарор иш ўринлари ташкил этиши шарт.

Утган йили турли таъкилий муаммолар сабаб 55 та йирик лойиҳа кечиккани қайд этилди. Бу ҳолат инвестиция бошқарувида тизимли камчиликлар мавжудлигини кўрсатади. Шу сабаб бу йил қиймат 165 миллиард долларга тенг 377 та стратегик лойиҳани алоҳида назоратта олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда эълон қилинган энг муҳим институционал янгиликлардан бири инвестиция лойиҳаларини ишга тушадиган кейин ҳам



назорат қилишга қаратилган "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви" платформасини яратиш ташаббусидир.

Бу платформа орқали ҳар бир лойиҳа ишга тушадиган кейин уч йил давомида мониторинг қилинади. Янги давлат учун лойиҳа "очилди" деган ҳисобот билан яқунланмайди. Энди маҳсулот ишлаб чиқаришнинг, қўшилган қиймат яратилишининг, экспорт борми, режалаштирилган иш ўринлари сақланишининг — ана шу саволлар асосий мезонга айланди. Бундай ёндашув инвестиция муҳитини сифат жиҳатидан тозалашга хизмат қилади. Чунки фақат ҳақиқат ҳам иқтисодий самара берувчи лойиҳаларгина узок муддатли қўллаб-қувватлашга эга бўлади.

Йиғилишда ҳудудлардаги "Ягона буюртмачи хизмат" инжиниринг компаниялари фаолияти устидан назоратни кучайтириш вазифаси қўйилди. Чунки айнан шу бўғинда қурилиш сифатини таъминлаш, маблағлардан самарали



Келтирилган маълумотларга кўра, хоржий таширлар доирасида 135 миллиард долларлик инвестиция келишувларига эришилган. Жорий йилнинг ўзида Туркия билан 9 миллиард, Покистон билан 1 миллиард 428 миллион долларлик битимлар имзолангани ҳам алоҳида қайд этилди.

Мазкур рақамлар фақат дипломатик фаолият эмас, балки Ўзбекистон иқтисодиётига бўлган халқаро ишонч ортиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатимизда чет эл капитални иштирокидаги корхоналар сони 18,5 мингтадан ошгани, сўнги теш йилда улар сони қарийб икки баробар кўпайгани шундан далолат беради.

Айниқса, хоржий корхоналар улуши сезиларли ошгани Ўзбекистон эндиликда фақат қўшма корхона эмас, балки мустакил инвестиция учун ҳам жозибали бозорга айланиб бораётганини кўрсатади. Бироқ бу жараёнда технология трансфери, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва миллий манфаатларни ҳимоя қилиш масалалари доимий эътибор марказида бўлиши шарт.

Видеоселектор йиғилишида инвестициялар кўпайиши билан боғлиқ ҳолда қурилиш соҳаси олдида қўйилган вазифалар иқтисодий ўсиш занжирини яхшилаш бўйича қўйилган вазифалар билан боғлиқлиги муҳим эканини яна бир бор кўрсатади. Жорий йилда қурилиш ҳажминини 400 триллион сўмга етказиш, соҳада камида 17 фоиз ўсишни таъминлаш вазифаси қўйилиши бежиз эмас.

Қурилиш фақат бино ва иншоотлар дегани эмас. Тармоқ орқали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, металлургия, электротехника,

логистика ва хизматлар соҳаси фаоллашади. Шу боис, қурилиш соҳаси иқтисодиётда юқори мультипликатив таъсирга эга тармоқ сифатида қаралади.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси учун давлат бюджетидан 40 триллион сўм ажратилганга қараганда қурилиш бозори учун катта ички талабни шакллантиради. Бу, ўз навбатида, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, қурилиш материаллари саноати ва хизматлар соҳаси учун янги имкониятлар очади.

Йиғилишда ҳудудлардаги "Ягона буюртмачи хизмат" инжиниринг компаниялари фаолияти устидан назоратни кучайтириш вазифаси қўйилди. Чунки айнан шу бўғинда қурилиш сифатини таъминлаш, маблағлардан самарали



фойдаланиш ва муддатларга риоя қилиш масалалари ҳал этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида буюртмачи хизматларига тажриба тариқасида хусусий секторни жалб қилиш ташаббуси давлат-хусусий шериклини амалиётда чуқурлаштиришга қаратилган. Бу орқали рақобат кучаяди, хизмат сифати ошади ва давлат харажатлари самарадорлиги таъминланади.

Йиғилишда эълон қилинган барча қарорларни умумлаштириб қарасак, уларнинг умумий манғити аниқ кўринади: иқтисодий ўсишни шахсларга эмас, тизимларга таянадиган ҳолатга ўтказиш.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар билан боғлаш масаласига қайтиб, ташқи савдо мувозанатини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб



Энергия самарадорлигини ошириш масаласи йиғилишда алоҳида ва кенг муҳокама қилинди. Айниқса, кичик ва ўрта корхоналарнинг энергия истеъмоли катта экани иннобатта олиниб, ушбу тоифа учун энг йирик мақсуд дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

2026 йилда кичик ва ўрта корхоналарда 100 миллион куб метр газ ва 500 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш режаси иқтисодиёт учун катта молиявий захиранинг аниқлаштиришга қаратилган. Айрим йирик тизимларда бу кўрсаткичнинг паслиги танқид қилиниб, давлат харидларини иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи самарали воситага айлантириш учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилди. Мазкур қарор ички ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, импорт ўринини босиш ва миллий саноатни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Давлат харидларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар улушини ошириш йиғилишда устувор вазифа сифатида белгиланди. Айрим йирик тизимларда бу кўрсаткичнинг паслиги танқид қилиниб, давлат харидларини иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи самарали воситага айлантириш учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилди. Мазкур қарор ички ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, импорт ўринини босиш ва миллий саноатни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобидан таъминлаш масаласи йиғилишнинг алоҳида йўналиши бўлди. Президентимиз томонидан "ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаслиги" алоҳида таъкидланди.

Экспорт ҳажмлари ўсиши билан бирга унинг таркиби ва географиясини кенгайтириш устувор вазифага айланмоқда. Энди экспорт фақат ҳажм кўрсаткичлари билан эмас, балки

янги маҳсулотлар ва янги бозорларга чиқиш имкониятлари билан баҳоланади. Бундай ёндашув маҳаллий ишлаб чиқарувчилар олдида сифат, стандартлар, маркетинг ва логистика соҳаларида мулоқо янги талабларни қўяди. Натижада экспорт сиёсати саноатни модернизация қилишнинг муҳим омилга айланади.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар билан боғлаш масаласига қайтиб, ташқи савдо мувозанатини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб

қилиниши керак. Чунки иқтисодий ўсиш иннобатта олиниб, ушбу тоифа учун энг йирик мақсуд дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

2026 йилда кичик ва ўрта корхоналарда 100 миллион куб метр газ ва 500 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш режаси иқтисодиёт учун катта молиявий захиранинг аниқлаштиришга қаратилган. Айрим йирик тизимларда бу кўрсаткичнинг паслиги танқид қилиниб, давлат харидларини иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи самарали воситага айлантириш учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилди. Мазкур қарор ички ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, импорт ўринини босиш ва миллий саноатни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобидан таъминлаш масаласи йиғилишнинг алоҳида йўналиши бўлди. Президентимиз томонидан "ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаслиги" алоҳида таъкидланди.

Экспорт ҳажмлари ўсиши билан бирга унинг таркиби ва географиясини кенгайтириш устувор вазифага айланмоқда. Энди экспорт фақат ҳажм кўрсаткичлари билан эмас, балки

янги маҳсулотлар ва янги бозорларга чиқиш имкониятлари билан баҳоланади. Бундай ёндашув маҳаллий ишлаб чиқарувчилар олдида сифат, стандартлар, маркетинг ва логистика соҳаларида мулоқо янги талабларни қўяди. Натижада экспорт сиёсати саноатни модернизация қилишнинг муҳим омилга айланади.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар билан боғлаш масаласига қайтиб, ташқи савдо мувозанатини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб қилиниши керак. Чунки иқтисодий ўсиш иннобатта олиниб, ушбу тоифа учун энг йирик мақсуд дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

2026 йилда кичик ва ўрта корхоналарда 100 миллион куб метр газ ва 500 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш режаси иқтисодиёт учун катта молиявий захиранинг аниқлаштиришга қаратилган. Айрим йирик тизимларда бу кўрсаткичнинг паслиги танқид қилиниб, давлат харидларини иқтисодий ўсишни рағбатлантирувчи самарали воситага айлантириш учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги кучайтирилди. Мазкур қарор ички ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш, импорт ўринини босиш ва миллий саноатни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодий ўсишни ташқи бозорлар ҳисобидан таъминлаш масаласи йиғилишнинг алоҳида йўналиши бўлди. Президентимиз томонидан "ички бозордаги талабнинг ўзи билан юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бўлмаслиги" алоҳида таъкидланди.

таҳлил қилиш ва талаб прогнозини шакллантириш вазифаси юқлатилиши инфляцияни бошқаришда фаол ёндашув жорий этилаётганидан далолат.

Рамазон ойи арафасида ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш масаласи йиғилишда алоҳида урғу билан кўтарилди. Бу, аввало, аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга масала. Бозорлардаги нарх сунъий ошишининг олдини олиш, тақлиф ҳажминини кўпайтириш ва спекулятив кайфиятларни чеклаш мақсадида деҳқон бозорлари ва йирик савдо мажмуаларида арзонлаштирилган озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Ушбу чоралар фақат қисқа муддатли таъсирга эга эмас. Улар бозор иштирокчиларига аниқ сигнал беради. Давлат нарх-наво барқарорлигини таъминлашда фаол иштирок этиши ва ижтимоий аҳамиятга эга маҳсулотлар бозорини назоратсиз қолдирмайди.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси йиғилишда инфляцияга қарши кураш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида кўриб чиқилди. Гўшт маҳсулотларида импортга қарамликни камайитириш учун озуқа базасини мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди. Хусусан, Муборак тумани мисолида ер майдонларини ўзлаштириш ва маккажўхори экиш орқали чорва учун барқарор озуқа базаси яратиш тажрибаси кенгайтирилди. Жорий йил қўшмача ер майдонларини жалб этиш орқали юз минглаб бош чорва учун кафолатланган озуқа манбаи яратилиши режалаштирилмоқда.

Қартошка мисолида ҳам муаммога маъмурий чекловлар билан эмас, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш орқали ечим топиб ёндашуви танланди. Бу қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига таянган ҳолда нарх барқарорлигини таъминлаш сиёсати давом этётганини кўрсатади.

Мамлакатда тадбиркорлик субъектлари сони ўсиб бориши иқтисодий фаоллик юқори эканини аниқлатади. Худудлар бўйича кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар эса ҳудудий иқтисодий сиёсатни янада тақомиллаштиришни талаб қилади.

Айрим вилоятларда тадбиркорлик фаоллиги юқори бўлса, бошқаларида ҳали заиф. Бу ҳолат инфратузилма, кадрлар салоҳияти ва маҳаллий бошқарув сифати билан бевосита боғлиқ. Шу боис, тадбиркорликни ривожлантириш сиёсати ҳудудий хусусиятларини иннобатта олган ҳолда юритилиши керак.

Барча қўйилган вазифалар ортида битта асосий омил яққол сезилади — инсон капиталли. Рақамлаштириш, сунъий интеллект, энергия самарадорлиги, инвестиция лойиҳаларини бошқариш, экспорт стратегияси — буларнинг барчаси замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрларсиз амалга ошмайди.

Ешларни иқтисодий жараёнларга жалб этиш, стартап ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, инновацион муҳит яратишга қаратилган топшириқлар айнан шу нуқтага бориб тақалади. Чунки иқтисодий ўсишни фақат молиявий ресурслар билан эмас, балки билим, ташаббус ва маҳсулият билан таъминлаш мумкин. Инсон капиталига сармоя киритиш қисқа муддатли харажат эмас, балки узок муддатли иқтисодий барқарорликнинг энг ишончли кафолатидир.

Худудий бошқарув масаласига берилган қатъий баҳо иқтисодий сиёсатдаги муҳим сигнал сифатида қабул қилиниши керак. Чунки иқтисодий ўсиш қанчалик юқори бўлмасин, агар у худудлар бўйлаб бир хил тарқалмаса, ижтимоий барқарорликка таҳдид солиши мумкин.

Иқтисодий ўсишнинг ҳудудларда сезилиши, иш ўринлари яратилиши, тадбиркорлик муҳити яхшиланиши маҳаллий бошқарув сифати билан бевосита боғлиқ.

Иқтисодий эълон қилинган барча қарорларни умумлаштириб қарасак, уларнинг умумий манғити аниқ кўринади: иқтисодий ўсишни шахсларга эмас, тизимларга таянадиган ҳолатга ўтказиш.

"Ягона газначилик", "Ягона миллий лойиҳа бошқаруви", риск-таҳлилга асосланган харидлар, бозор мониторингини тизимлари — буларнинг барчаси институционал сифатини оширишга қаратилган. Айнан институлар барқарор ишлаган жойда иқтисодий ўсиш узок муддатли бўлади. Ақс ҳолда, ҳар қандай ўсиш вақтинчалик бўлиб қолиши мумкин.

Йиғилишдан чиқадиган муҳим хулосалардан бири — давлат ва бозор ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилмоқда. Давлат тўғриван тўғри ишлаб чиқарувчи эмас, ҳолда белгилайдиган, назорат қилувчи ва рағбатлантирувчи субъект сифатида намоён бўлмоқда.

Бозор учун эса бу эркинлик билан бирга юқори масъулият, рақобат ва самарадорлик талабининг ошиши демакдир. Бу мувозанат иқтисодий сиёсатнинг барқарор ишлашини таъминлайди.

Энди иқтисодий ўсиш янги кўрсаткичлардагина эмас, ҳудудлардаги иш ўринларида, бозорлардаги нарх барқарорлигида, тадбиркорлик фаоллигида, аҳоли ишончидан ақс этиши керак. Иқтисодий сиёсатнинг муваффақияти айнан шу омиллар орқали баҳоланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар вазифалар изчил ва қатъий амалга оширилса, 2026 йил учун белгиланган 6,6 фоизли иқтисодий ўсиш чегара эмас, балки янги, янада сифатли босқич учун мустаҳкам пойдеворга айланиши мумкин.



Экология

СУВ ВА ҲАВОДЕК ЗАРУР ТАШАББУС

Ҳамза АМИНОВ,
Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари
илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари



Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетикани ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир аниқ ва қатъий ташаббуслар илгари сурилган. Хусусан, йирик sanoat корхоналарида ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни камайтириш учун филтър ва замонавий тозалаш иншоотлари ҳамда мониторинг станцияларини ўрнатиш мақсадида 100 миллион долларлик кредит лийниси очилиши эълон қилинди. Бу ташаббус, шубҳасиз, экологик хавфсизликни таъминлаш йўлидаги муҳим қадамдир.

Мурожаатномада Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги иссиқхона хўжаликлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ҳудудларда кўмир ва газда ишлайдиган қарийб 2000 та иссиқхона мавжудлиги таъкидланди. Филтърсиз, кўмир ёқиладиган қозонхоналардан босқичма-босқич воз кечиб режалаштирилган. Бундай объектлар пойтахт ташқарисига кўчирилади, иссиқлик таъминоти эса марказлашган қозонхоналар орқали таъминланади. Шу мақсадда камда 200 гектар майдонга эга агрокластерлар тузилди. Уларнинг таркибига ўтмоқчи бўлган иссиқхоналарга алоҳида субсидия ажратилади.

Хужжатда, шунингдек, экологик тоза транспорт фаолиятини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, автотранспорт воситалари учун экологик стикерлар бериш тизими жорий этилиши маълум қилинди. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, йирик шаҳарлар, хусусан, Тошкентдаги тирбандликлар юрдошларимизнинг йўл-транспорт билан боғлиқ кундалик ҳаётини қийинлаштириш билан бирга экологияга ҳам жиждий зарар етказмоқда. Энди халқро тажрибадан келиб чиқиб, автотранспорт зарарли чиқиндилар даражасига

кўра таснифланади ва шунга мос экологик стикерлар берилди. Атроф-муҳитга юқори зарар етказувчи транспорт воситаларининг пойтахт, вилоят марказлари ва шаҳарларга кириши чекланади.

Бу жараёнда автомобиллар эгаларига оғирлик тушмайди, яъни уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўзда тутилган. Масалан, эски транспорт воситасини янгисига алмаштиришда автокредит фоиз ставкасининг бир қисми компенсация қилинади. Шу билан бирга, чиқиндилар ҳажминини камайтириш учун филтър ўрнатишга тайёр бўлган ҳайдовчиларга харажатнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Мурожаатномада Тошкент ва йирик шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш устувор вазифа этиб белгиланди. Автобус ва таксилар учун ажратилган махсус йўлақлар тармоғи кенгайтирилади. Тошкент, Самарқанд ва Намангон шаҳарларида эса интеллектуал йўлчиқорлар асосидаги харакатини бошқариш тизими жорий этилади.

Электромобиллардан фойдаланишни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Яқин йилларда экологик тоза транспорт



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!

воситалари сонини кўпайтириш борасида беш йиллик дастур амалга оширилди. Унинг доирасида маҳаллий электромобиллар учун автокредит 12 фоиз, импорт электромобиллар учун эса 16 фоиз ставкада тахдим этилади. Зарядлаш станцияларини ўрнатишга тадбиркорларга 10 фоизли имтиёзли кредитлар

берилди. Шунингдек, ер участкаларини аукционларда бозор нархидан икки баравар арзон сотиб олиш имконияти яратилди. Электромобилларни қувватлашда 1 киловатт-соат учун 300 сўмдан ошган электр энергияси харажатининг бир қисми давлат бюджети ҳисобидан қопланади. Электромобилларда такси

хизматини кўрсатаётган фуқаролар учун ҳам қўшимча имтиёзлар белгиланган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда яшил ҳудудларни кенгайтириш борасида тизимли чора-тадбирлар кўрилмақда. Бу борадаги ишларнинг давомий сифатида Мурожаатномада аниқ вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, чағ-тўзонларнинг олдини олиш мақсадида Сурхондарё вилоятидаги 10 минг гектар майдонда “яшил макон” ҳудуди барпо этилади. Сирдарё вилоятида эса 84 километр узунликдаги “яшил” девор тикланади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоийдаги жами 250 минг гектар майдонда, жумладан, Оролнинг қуриган тубидаги 115 минг гектарда дархат ва буталар экилади. Ҳар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари, шунингдек, соя-салқин камиди 20 та сайр йўлига ётқизилиши режалаштирилган.

Мурожаатномада экология соҳаси бўйича қадрлар тайёрлаш ва экологик таъминини ривожлантириш масаласига ҳам устувор йўналиш сифатида эътибор қаратилди. Президентимиз яқин беш йилда корхоналарда эко-стандартларини жорий этиш камиди 30 минг экологик менежер тайёрлашни талаб этишини таъкидлади. Шу муносабат билан 2026 йилда ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар ташкил этилиб, дуал таълим асосида йилга

10 минггача мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади.

Шунингдек, Марказий Осиё Яшил университети (Green University) фаолияти кенгайтирилади. Ҳаво, сув ва тупроқ сифатини баҳолашга мўлжалланган комплекс лабораториялар очилади. Шаҳарларда табиий шамоллатини қучайтириш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилади.

Умуман, 2026 йилда экология соҳасини ривожлантириш учун 1 триллион 900 миллиард сўм йўналтирилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари сув ресурсларини бошқаришга доир комплекс чора-тадбирлар бўйича ҳам аниқ вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, жорий йилда сувни тежовчи технологияларни қўллаш учун 3 триллион 300 миллиард сўм ажратилди. 1300 километр магистрал каналлар бетонлаштирилади. Бу эса ҳар йили 500 миллион куб метр сувни тежаш имконини беради. Шунингдек, оқиб дренаж ва коллектор тизимларини ёқиб тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилинади.

Пойтахтимиз, вилоят марказлари ва шаҳарларда “яшил” ҳудудларни кенгайтириш учун сугориш ва дренаж тизимларини қайта тиклаш зарурлиги таъкидланди. Бунинг учун 160 миллион долларлик катта дастур доирасида Тошкент шаҳрида 150 километр ёпиқ дренаж тизими барпо этилади, 197 километр канал ва коллекторлар таъмирланади ҳамда 63 километр янги каналлар барпо этилади. Бу чора-тадбирлар шаҳарда янада салқин ва қўлай микроклимат шаклланишига хизмат қилади.

Мурожаатномада маҳалла институти жамиятининг энг муҳим бўғини сифатида қайта баҳоланди. У аънанавий ижтимоий институт эмас, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни жойида ҳал этиш ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини қучайтирувчи механизм сифатида талқин қилинди. Маҳалла орқали давлат хизматларини аҳоли манфаатларига мослаштириш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш гоёлари амалга оширилади.

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва ҳудудий бўлимлари билан яқин ҳамкорлик туфайли бугун юртимизнинг барча ҳудудидо ободонлаштириш, кўчаларнинг яшилдириш ва фуқаролар ҳаёти сифатини оширишга қаратилган муҳим ташаббуслар илгари сурилмоқда.

Тажрибали оқсоқоллар, фаол ёшлар қўчак экиш ва парварилашда иштирок этиб, “Яшил макон” умумийлик лойиҳаси ривожига ҳисса қўшмоқда. “Менинг боғим”, “Обод маҳалла” лойиҳаси доирасидаги ишлар туфайли ҳовли ва кўчаларни ободонлаштириш, ҳудудларни тозалаш, атроф-муҳитни яхшилаш, аҳоли учун қўлай шартно яратиш борасидаги сайё-ҳаракатлар янги босқичга кўтарилди.

Қисқаса, Мурожаатномада илгари сурилган ташаббуслар Ўзбекистоннинг экологик хавфсиз, соғлом ва “яшил” келажакини барпо этишга муносиб хизмат қилади.

Куз фаслининг охири — қишнинг совуқ нафаси сезила бошлаган палладан то пишқичлик мавсумига қадар аҳолини сархил, витаминга бой мева-сабзавот билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳар йили доллар тус олади. Айниқса, йилнинг совуқ кунларида организм учун зарур табиий дармондори ва микроэлементларга эҳтиёж ошиб, бозорларда сифатли маҳсулотларга талаб ортади. Ана шундай шароитда иссиқхоналар аҳолининг озиқ-овқатга эҳтиёжини қондиришга ишончли ва самарали манба сифатида муҳим ўрин эгалламоқда.



Ислоҳот одимлари

ТўРТ ФАСЛДА ҲАМ БОЗОРЛАРИМИЗ ТЎҲКИН

Бугун иссиқхона хўжаликлари нафақат мавсумий таъминлашнинг олдини олиш, балки аҳолини йил бўйи сабзавот ва кўчатлар билан таъминлашда ҳам ҳал қилувчи омилга айланди. Помидор, бодрич, қалампир, кўчатлар ва бошқа сархил маҳсулотларнинг киш фаслида ҳам бозорларда мўл-кўл бўлиши, нархлар кескин ошиб кетмаслиги айнан иссиқхоналар фаолияти билан боғлиқ.

Шу билан бирга, иссиқхоначилик тармоғининг ривожланиши ички бозор барқарорлигини таъминлаш, импортга қарама-қарши камайтириш ва маҳаллий маҳсулот улушини оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда аҳоли саломатлигини асраш, турли касалликларнинг олдини олишда ҳам жуда муҳим.

Қолаверса, иссиқхоналар қишлоқ жойларда янги иш ўринларини очиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, фермер ҳамда тадбиркорлар даромадини оширишга ҳисса қўшмоқда. Замонавий технологиялар асосида фаолият юритаётган иссиқхоналар сув ва энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали экологик барқарорликка ҳам хизмат қилади.

Айни йўналишда Жиззах вилоятида муайян ишлар қилинмоқда. Қишлоқ хўжалигининг аънанавий тармоқлари — ғаллачилик, патхаччилик, чорваччилик билан бир қаторда мева-сабзавот етиштириш, хусусан, иссиқхона хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқин йилларга мева-сабзавотнинг катта қисми Самарқанд ва водий вилоятларидан келтириладиган Жиззах бозорлари бугун ҳудуднинг ўзиде етиштирилган маҳсулотлар билан тўла. Энг муҳими, бошқа жойларга қараганда арзон, сифати юқори. Бу мўл-кўлчилик вилоятнинг барча туманида иссиқхона хўжаликлари кўпайиб бораётгани ҳам муҳим омил бўлмоқда. Айниқса, совуқ кунлари охиқ майдонга нисбатан иссиқхонада маҳсулот етиштириш деҳқончиликнинг ривожланишига хизмат қилади. Иссиқхонада бир гектар

ерда камиди 50 тонна сабзавот етиштириш мумкин. Масалан, ҳар гектар оқиқ майдондан ўртача 35 тоннагача помидор ҳосили олинса, иссиқхонада бу кўрсаткични 120 тоннагача ошириш имкони бор. Яна бир афзаллиги шундаки, иссиқхонада етиштирилган маҳсулот сифати оқиқ майдондагига қараганда юқори ва экспортбоп бўлади.

— Бугун иссиқхона нафақат қишлоқ тадбиркорининг даромад манбаи, балки бутун жамиятнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи стратегик соҳадир, — дейди Агросаноатни ривожлантириш агентлиги Жиззах вилояти бўлими бош мутахассиси Азиз Нўмонов. — Вилоятимизда ушбу тармоқ изчил ривожланиб, катта майдонларда замонавий иссиқхоналар барпо этилмоқда. Ҳозир 110,5 гектар ерда 56 та тадбиркорлик субъекти иссиқхона хўжаликларини ташкил этган. Уларнинг 44,5 гектариде гидропоника усулида, 31,9 гектариде эса аънанавий технология асосидаги иссиқхоналар самарали фаолият юритиб келмоқда.

Эътиборлиси, жараён шу билан чекланиб қолмаяпти. Яна 4 та янги лойиҳа доирасида 11,1 гектар майдонда замонавий иссиқхоналар барпо этиш режалаштирилган. Бу эса маҳсулот етиштириш ҳажминини ошириш, янги иш ўринларини очиб ва бозорларимизда тақчилликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Утган йили вилоятдаги иссиқхоналарда 3416,8 тонна маҳсулот етиштирилган. 2025-2026 йилларнинг куз-қиш мавсумида эса бу кўрсаткич 5925,8 тоннага етиши кутилмоқда.

Бу нафақат миқдор, балки сифат кўрсаткичи ҳам ошиб бораётганидан далолат.

Иссиқхоналарда мева-сабзавот етиштириш ҳажми ортиши ички бозорларнинг йил давомида зарур маҳсулот билан таъминланиши баробарида экспорт салоҳияти ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Жиззах вилоятидаги иссиқхоналарнинг қарийб ярми Шароф Рашидов тумани ҳиссасига тўғри келади. Шу боис, ҳудуд қишлоқ хўжалигининг драйвер тармоқларидан бирига айланиб улгурди. Тумандаги 42 гектардан зиёд майдонда замонавий иссиқхоналар фаолияти йўлга қўйилган. Улар йил давомида бозорларни сархил маҳсулот билан таъминлашда муҳим ўрин тутаетир. Айниқса, Қахрамон маҳалласи бу борада бутун вилоят миқёсида намуна сифатида эътироф этилади.

Маҳалладаги ёш тадбиркорлардан бири Сардор Бобоевнинг бошчилик қилаётган иссиқхона хўжалиги бундан саккиз йил муқаддам фаолият бошлаган. 2018 йили дастлаб 2 гектар ерда гидропоника усулидаги иссиқхона ишга туширилган бўлса, 2020 йилга келиб яна кўшимча 1 гектарда Жанубий Корея технологиялари асосида наватбатдаги иссиқхона фаолият бошлади. Давлатимиз раҳбарининг соҳани қўллаб-қувватлашга қаратган эътибори самараси ўлароқ, бугун мазкур хўжалика қарашли иссиқхоналар қарийб 3,5 гектар майдонни эгаллаб, уларда помидор ва қўлуғай кўчатларни парварши қилинмоқда.

Шароф Рашидов туманидаги иссиқхоначилик соҳасида салмоқли тажрибага эга яна



бир йирик хўжалик Акмал Аҳмедов раҳбарлигида фаолият юритмоқда. 4 гектар майдонда жойлашган ушбу иссиқхонада талаб юқори бўлган янги наватбат помидор кўчатлари экилган, томчилати сугорчи технологияси жорий этилган.

Рақамлар ҳам соҳа тараққиётини яққол намоён этади. 2018 йили мазкур иссиқхонанинг гектаридан 65-70 тоннадан ҳосил олинган бўлса, бугун кўрсаткич 95-100 тоннага етди. Энг муҳими, маҳсулотлар фақат мавсумий эмас, балки йил давомида ички ва таш-

қи бозорларга узлуксиз етказиб берилаяпти. Айниқса, қиш кунларида таъминот занжири барқарорлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ана шундай шароитда ҳарорат, ёруғлик ва намликни сунъий бошқариш имконини берадиган иссиқхоналар озиқ-овқат етиштиришда асосий таянч йўналишига айланган.

Ушбу туманининг Пастки Сулоқли маҳалласидаги Камолдин ва Отажон Ҳазратқуловларни миришкор деҳқон сифатида яхши билади. Боиси, беш йилдан буён замонавий усулдаги иссиқхона деҳқончилиги билан шугулланиб келаётган ака-уканинг фаолияти кўпчилик учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилаётир.

Шу кунларда уларнинг замонавий усулда барпо этилган иссиқхонасида баҳор таровати ва ёзининг пишқичлиги ҳукм сурмоқда. Умумий майдони олти гектарни ташкил этувчи иссиқхонанинг бир гектариде гидропоника усулида, бир гектариде эса аънанавий тарзда экилган помидорлар пишиб етилмоқда.

— Тижорат банкидан 1 миллион 100 минг доллар кредит олиб, Жанубий Корея технологияси асосида иссиқхона қурдирдик, — дейди Камолдин Ҳазратқулов. — Ундаги барча жараён — ҳарорат, ёруғлик, сув меъёрлари автоматик усулда бошқарилади. Бироқ катта харажат ҳисобига барпо этилган иссиқхонада маҳаллий нави помидор кўчатларидан олинган ҳосил билан қўзланган самарадорликка эришиб бўлмайди. Шунинг учун бир гектар майдонга гидропоника усулида Япониянинг

даромадимиз эвазига банк олдидаги мажбуриятларимизни тўлиқ бажариб, кредитни муддатидан олдин ёпишга муваффақ бўлдик.

Айни пишқичлик мавсумида ака-ука деҳқонлар иссиқхоналарида ҳар гектаридан 100 тоннагача ҳосил йиғиштириб олиниб, ички бозорга ва экспортга чиқармоқда. 2025-2026 йилги мавсумда жамият аъзолари Россия, Қозғистон, Бирлашган Араб Амирликларига 1 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Шу кунгача салкам 400 минг доллар қийматдаги помидор буюртмачиларга етказиб берилди.

Шу билан бирга, туман маҳаллаларида кичик ҳажмдаги иссиқхоналар сонини ҳам изчил ортиб борапти. Бу жараён соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, аҳоли даромадини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Қангли маҳалласида ана шу тармоқ орқали турмуш шароитини яхшилаётган онлалар сонини йил сайин кўпаймоқда. “Маҳалла еттичилиги” кўмағида хонадонларда янги-янги иссиқхоналар барпо этилмоқда.

Бундай тадбиркорлик рўҳини Туёқли маҳалласида ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳудуддаги 700 га яқин хонадоннинг 314 тасида иссиқхоналар ташкил этилган. Мазкур маҳалла аҳолиси ўз томорқасидаги иссиқхоналар орқали оилавий даромадини ошириш борабара бозорлар тўқинлигига, аҳолини йил давомида сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

Эътиборга молик жиҳат шундаки, Шароф Рашидов туманида етиштирилаётган иссиқхона маҳсулотларининг экспорт ҳажми ҳам йилдан йилга ошиб борапти. Хусусан, 2018 йилда 2 миллион доллар қийматдаги маҳсулот хорижга йўналтирилган бўлса, 2024 йили бу кўрсаткич 8 миллион долларга етди. 2025 йилда эса экспорт ҳажми қарийб 20 миллион долларга етказилгани соҳадига улкан салохиятдан далолат беради.

— 2025-2026 йилги куз-қиш мавсумида иссиқхона хўжаликларида табиий газдан фойдаланишга рухсат берилган тармоқни янада ривожлантиришда жуда катта гамхўрлик бўлди, — дейди Азиз Нўмонов. — Барча туман ва қишлоқларда “Маҳалла еттичилиги” кўмағида иссиқхона билан шугулланувчи тадбиркор ва томорқачилар сонини йил сайин кўпайиб бораётир. Бу тармоқни ривожлантириш бозорларимиз тўқинлиги, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва камбағалликдан чиқаришда гоят муҳим.

Ҳа, бугун иссиқхоналар нафақат қишлоқ хўжалигининг бир тармоғи, балки аҳоли ҳаётида муҳим ижтимоий аҳамият касб этувчи соҳага айланмоқда. Улар туфайли бозорларимиз йил давомида янги, сифатли, витаминга бой маҳсулотлар билан тўқинли бўлмақда. Замонавий иссиқхоналарда қўланаётган илгор технологиялар эса ҳосилдорликни ошириб, ер ва сув ресурсларини асрашга хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

Кейинги йилларда инсон капиталига сармоя киритиш, таълимни ислоҳ қилишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ана шу эзгу ишларнинг мантқий давоми сифатида жорий йилнинг 5 февраль куни давлатимиз раҳбарининг “Мактабгача таълим ва тарбия тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони имзоланди. Унда мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия сифати ва самардорлигини ошириш борасида кўлаб вазифалар кўйилди.

Жумладан, 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб педагогика олий таълим ташкилотларида мактабгача ва бошланғич таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш халқаро илгор тажрибаларга мос равишда такомиллаштирилган таълим дастурлари асосида амалга оширилиши белгилаб берилди.

Метерий ҳужжатда кўзда тутилган мактабгача таълим ва тарбия тизимининг истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, бу борадаги устувор вазифалар хусусида соҳа мутахассисларининг фикри билан қизиқдик.



Юксалиш палласи



Ҳақберди ҲАМЗАЕВ, Жиззах давлат педагогика университети раҳбари



симуляцирлар ва виртуал лабораториялар, мультимедиа ресурслари фаол жорий этилмоқда.

Янги авлод педагогикаси

Илмий инновациялар ва халқаро интеграция

Феруза МАДРАҲИМОВА, Урганч давлат педагогика институти ректори, педагогика фанлари доктори, профессор:



— Инсон шахси шаклланиши, дунёқарши ва интеллектуал салоҳиятининг пойдевори айнан мактабгача ва бошланғич таълим босқичида қўйилади. Шу боис, 2026-2027 ўқув йилидан педагогика олий таълим ташкилотларида мактабгача ва бошланғич таълим йўналиши бўйича бакалаврларни тайёрлаш тизимининг халқаро илгор тажриба асосида трансформация қилиниши шунчаки навбатдаги ислоҳот эмас, балки миллат генофондини асраш ва ривожлантиришга қаратилган стратегик қадамдир.

Урганч давлат педагогика институти ҳам педагогика кадрлар тайёрловчи мактаб сифатида ушбу ўзгаришлар марказида турибди. Олдимизда турган вазифа нафақат дипломи мутахассис тайёрлаш, балки боланинг қалбини тушунадиган, замонавий технологияларни ўзлаштирган ва глобал фикрлайдиган янги авлод ўқувчусини тарбиялашдир.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон капиталини ривожлантириш энг устувор вазифа сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбари фармони мамлакатимиз таълим тизими тарихида янги саҳифани очди. Мазкур ҳужжат нафақат ташкилий ўзгаришларни, балки таълим мазмунинидаги концептуал янгиланишларни ҳам кўзда тутди.

Фармонда таъкидланганидек, мактабгача таълим тизимини илгор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш ва инновацион мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини ташкил этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмаз заруратидир. Урганч давлат педагогика институти бу ислоҳотларнинг фаол ижроси сифатида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш жараёнини мутлақо янги модель асосида ташкил этмоқда.

тажрибасини оширади, меҳнат бозорига тайёр кадрларни етказиб беради.

Дуал таълим шаклида тахсил олаётган талаба ўзини ҳақиқий педагог сифатида ҳис қилади, бу эса унда касбга содқат ва масъулиятни кучайтиради.

Фармонда “Янги авлод” мактабгача таълим ташкилотлари ҳузурида Болаларни ривожлантириш инновацион марказларини ташкил этиш белгиланган. Бу вазифа соҳавий олийгоҳлар ва илмий-тадқиқот институти олдига долзарб муаммолар ечимига қаратилган фундаментал тадқиқотларни ўтказиш талабини қўяди. Айнан Урганч давлат педагогика институти олимлари томонидан рақамли дидактика ва сунъий интеллект, ўйинга асосланган таълим (Play-based learning), нейропедагогика йўналишларида олий борилаётган тадқиқотлар миллий таълим контентини яратишга ва таълим стратегиясидаги мактабгача таълим методикасини такомиллаштиришга хизмат қилади.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб жорий этиладиган таълим дастурлари PISA (Programme for International Student

Assessment) ва PIRLS (Progress in International Reading Literacy Study) каби халқаро баҳолаш дастурлари талабаларига мослаштирилган. Таълим дастурларини трансформация қилишда 4К (танқидий фикрлаш, креативлик, коммуникация ва коллаборация) кўникмаларини такомиллаштириш, STEAM (фан, технология, муҳандислик, санъат ва математика) интеграциялашган ҳолда ўқитиш) ёндашуви асосида ўқитишга алоҳида устуворлик берилмоқда.

Шунингдек, фармонга мувофиқ, педагогика олий таълим ташкилотлари битирувчиларининг мақоми янада мустаҳкамланди. Хусусан, 2027/2028 ўқув йилидан бошлаб мактабга тайёрлов гуруҳларида таълим жараёни олий маълумотли педагоглар ҳамда битирувчи босқич талабалари томонидан олиб борилиши белгиланди. Бу эса битирувчиларимизга ўқиниш тамомлашдан туриб профессионал фаолиятга киришиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, фармон таълим тизимини модернизациялашнинг ҳуқуқий ва концептуал асоси бўлиб хизмат қилади.



Бошланиш 1-бета

Бир қарашда маҳаллада бир-бириндан кескин фарқланувчи икки манзарани кўриш мумкин. Бир томонда иқтидорли, ташаббускор, хорижда ўқиётган, стартап очётган, илм-фан, спорт ва санъатда муваффақият қозонаётган ёшлар. Иккинчи томонда эса вақтини мазмунсиз ўтказётган, интернет ва ижтимоий тармоқларга ҳаддан ташқари боғланиб қолаётган, миграция ёки оилавий муаммолар оқибатида ижтимоий беқарорликни бошдан кечираётган ўсмирлар.

Ёшлар муаммолари маҳалла кесимида кўп ҳолларда қуйидагиларда намоён бўлади:

- бандлик ва даромад манбалари етишмаслиги;
— таълим ва касб танлашдаги ноаниқлик, “ким бўлишни билмаслик” ҳолати;
— бўш вақтининг мазмунли ташкил этилмагани, спорт ва маданият маконлари етарли эмаслиги;
— ахборот хуружлари ва радикал гояларга нисбатан ҳимоясизлик;
— оилавий низолар, ажрашишлар, миграция оқибатида назоратсиз қолаётган фарзандлар.

Демак, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деганда фақат йўл қуриш, дароҳт экиш ёки бино таъмирини тушуниш нотўғри. Бу, аввало, маҳалла орқали ёшлар тақдирини бевоқиф таъсир кўрсатиши йили бўлиши керак.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида маҳаллани нафақат ўзини ўзи бошқариш тизими, балки халқни бирлаштирадиган, ёшларни тарбиялайдиган, жамиятда бирдамликни мустаҳкамловчи ноёб максадида таърифлади. Миллати ва тилдан қатъи назар, бутун халқимизни жипслаштирадиган гоя “Ватан ва халқ манфаати” деб эътироф этилар экан, ушбу мақсад сари боришда маҳалла ҳал қилувчи бугун сифатида қўйилмоқда. Йил муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш билан бирга ёшлар бандлиги, руҳий саломатлиги, маъ-

МАҲАЛЛА ВА ЁШЛАР ЖАМИЯТНИНГ ИККИ ТАЯНЧ УСТУНИ

Advertisement for 'Ushbu maqolani korakalpok tilida xam uqish uchun QR-kodni skaner qiling!' with QR code and image of people.

навий олами ва рақамли маданиятини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган ёшлар сиёсати ислохотларнинг энг устувор йўналиши эканини яна бир қарра исботлайди.

Ўзбекистоннинг демографик таркиби ёшлар улуши юқорилиги билан характерланади. Яъни мамлакатимизнинг қарийб 60 фоизи ёшлардан иборат. Шу боис, сўнгги йилларда уларга алоҳида эътибор қаратилади, ёшлар сиёсати йўналишида мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал база яратилди. Хусусан, 2017-2025 йилларда 14 та қонун, Президентимизнинг 30 дан ортиқ фармони ва 60 дан зиёд қарори, шунингдек, ҳукуматнинг 100 га яқин қарори қабул

қилиниб, ёшлар учун 200 дан ортиқ имтиёздан фойдаланиш имконияти яратилди.

Ушбу институционал ислохотлар ва чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда.

Биринчидан, ёшларни қамраб олувчи, дунёда андозаси йўқ яхлит тизим яратилди. Маҳалла даражасига ёшлар муаммоларини аниқлаш ва уларни ҳал қилишга қаратилган



Чарос МИРХОЛИҚОВА, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти доценти

“маҳалла еттилиги” ҳамда ундаги ёшлар етакчиси фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу тизим орқали ёшларни қўллаб-қувватлаш учун қарийб 2 триллион сўм ажратилиб, 1 миллион 500 минг ёшнинг ҳаётида ўз ўрнини топишига кўмаклашилди.

Иккинчидан, 600 минг ёшнинг тадбиркорлик лойиҳаси учун 13,5 триллион сўм имтиёзли кредит йўналтирилди. Натижада сўнгги саккиз йилда ёш тадбиркорлар сони 3 баравар ошди, тадбиркорлик субъектларининг қарийб 40 фоизини ёшлар ташкил этмоқда. Мазкур чора-тадбирлар давом эттирилиб, ўтган йилнинг ўзида ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча 400 миллион доллар ажратилди.

Учинчидан, ёшлар бандлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар натижасида, аҳоли сони 2016 йилдагига нисбатан 17 фоиз ошган бўлса-да, банд бўлмаган ёшлар сони 2 баравар камайди.

“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

Тўртинчидан, ёшларнинг олий таълимга қамров даражаси 2017 йилдаги 9 фоиздан 42 фоизга етди, олий таълим муассасалари сони 77 тадан 212 тага кўпайди. Шунингдек, “Ёшлар дафтари”га кирган эҳтиёжманд оила фарзандлари бўлган 110 минг талабанинг 332 миллион сўм контракт тўловлари давлат томонидан тўлаб берилди. Хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида магистратура босқичидаги таълим контрактлари тўловлари давлат томонидан қоплаб берилиши натижасида ушбу босқичда тахсил олаётган хотин-қизлар сони 11 баравар ошди.

Бешинчидан, ўтган 2016 йилгача давлат ҳисобидан 800 нафар иқтидорли ёш хорижда нуфузли олийгоҳларда ўқиб келган бўлса, сўнгги етти йилда “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали 3 баравар кўп (2300) ёш хорижда таълим олиш имкониятига эга бўлди. Мазкур натижалар “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” доирасида маҳаллани ёшлар сиёсатининг энг куйи, энг тезкор ва энг манзилли бугунги сифатида кучайтириш учун пухта асос бўлиб хизмат қилади.

Жамиятни даромади ўртадан юқори давлатлар қаторига чиқиш ҳақида гап кетганда, кўпчилик йирик лойиҳалар, катта инвестициялар тилга олинади. Аслида эса бу мақсадларнинг пойдевори маҳалла ва ёшлар бўлиши керак. Маҳалла тинч бўлса, ёшлар ўзини хавфсиз ва қадрланган ҳис қилади.

Маҳалламиздаги ёшларнинг исмлари, орзулари ва муаммоларини биланганими? Уларни фақат танбех ёки назорат билан эмас, ишонч ва имконият орқали қўллаб-қувватлашимизми? Агар ҳар бир маҳаллада қамада бир неча янги ёш тадбиркор пайдо бўлса, “йўлни тополмаётган” фарзандлар учун аниқ йўл хариталари ишлаб чиқилса, улар учун очик ва жонли маданий-маърифий маконлар яратилса, ҳақиқатан, 2026 йил маҳалла ва ёшлар орқали жамиятни юксалтириш йили сифатида муҳрланади.

Диққат, янги лойиҳа: “Ўй-музейларга”



Бошланиши 1-бегда

Шу боис, “Янги Ўзбекистон” газетасида ташкил этилаётган янги лойиҳа — “Ўй-музейларга” рўқни халқимизнинг тарихий хотирасини тиклаш йўлидаги эзгу ташаббус деб баҳолаш мумкин. Мақсадимиз бу табаррук масканларнинг жамият ҳаётидаги, ёш авлод тарбияси борасидаги ўрнини кўрсатиш, уларни чинакам зиёрат ва маърифат марказларига айлантиришга ҳисса қўшишдир. Зеро, ўз тарихини, буюк аجدдоларини улуғлаган миллатнинг пойдевори мустақкам, келажаги нузли бўлади.

Ушбу лойиҳанинг илк сонини ўзбек мусиқа маданиятининг улкан намоёниси, академик Юнус Ражабий ўй-музеи фаолияти билан бошламизда ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, у зот нафақат ўзбек мусиқа санъатининг йирик вакили, балки миллий ўзлигини оҳанг орқали сақлаб қолган улуғ сиймолардандир. Унинг ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишиш эса ўқувчи унутилмас маънавий озуқа бериши шубҳасиз.

Тахририят



МУСИҚА ИЛМИНИНГ ХАЗИНАБОНИ

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Юнус Ражабий ижодхонасига саёҳат

Тошкент том маънода санъат маскани. Бу ердан етишиб чиққан Тўйчи ҳофиз, Зокировлар, Шожалиловлар, Ражабийлар сулолалари, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Мухаммадjon Каримов, Фахриддин Умаров, Очилов Отахонов, Ўзбекистон халқ артистлари Турғун Алиматов, Махмудjon Гафуров, театр арбоблари Шукур Бурхонов, Зикир Мухаммадjonов, Фани Аъзамов ва бошқалар халқимиз орасида ифтихор билан тилга олинади.

Бу кўҳна кент доимо шундай — кимнидир бағрига олса, кимнидир ўзининг суронли кўчалари орасида тентирашга маҳкум этган. Тошкент ижод аҳлининг қалбида шаҳар сифатида эмас, кутини, изланиш, сабр ва умид манзили бўлиб муҳрланиб қолган ҳам шундан. Ана шу ҳолатнинг эрости гувоҳлари эса уй-музейлардир. Боиси, чин ижодкорни оломон тўла майдонлар, баланд бинолар, сершовқин чорраҳалар яратмайди, уни, канчалик гайриоддий туюлмасин, торгина хона, стол-стул, дарпардадан ўтаётган хира ёруглик шакллантиради. Уй-музейлар, бир сўз билан айтганда, пойтахтнинг ижод-ла нафас олган лаҳзаси яшириб қўйилган баҳайбат хотира сандиклари.

Шундай табаррук даргоҳлардан бири, шубҳасиз, Юнус Ражабий уй-музеидир. Ушбу музейга саёҳат мусиқа илмининг даҳоси Юнус Ражабий ҳаёти, миллий мусиқа санъатининг тарихи билан яқиндан танишиш ва мумтоз мақом сеҳридан баҳраманд бўлиш имконини беради.

Уй-музей Юнус Ражабийнинг бой мусиқий мероси, болалиги ўтган масканини бугунги кун кишиларнинг кўз олдида жонлантириш ҳамда Тошкент тарихи саҳифаларини ёритишга хизмат қилиши билан беқиёс аҳамиятга эга.

“Ҳар қандай буюклик замирида ўзига хос самимият мужассам”, дейдилар. Юнус



Ражабий ҳаёти ва ижоди бунга ёрқин мисол. Улуғ ижодкорнинг уй-музеи зиёратида бўлган ёш кўчаларини тинлаган киши бунга яна бир ишонч ҳосил қилишига — қалби ражабийна терапика ошно тутинишига шубҳа йўқ.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон халқ артисти, бастакор, хонанда ва созанда, академик Юнус Ражабий серкира ижодий фаолияти билан ўзбек миллий мусиқаси тарихида ўчмас из қолдирган. У, аввало, кенг жамоатчиликка ўтқир ширали овози билан танилди.

Кейинчалик хонандаликни бастакорлик билан бирга олиб борган санъаткор ўзбек мусиқали драма жанрида самарали ижод этиб, куй ва қўшиқлар, рақс куйлари, хор асарларини ёзди. Ўзбек санъатида ҳали ноталар ёзуви мавжуд бўлмаган бир даврда халқ қўшиқлари ва наволарини нотага кириштириш ҳамда басталаш орқали уларни йўқолиб кетишидан сақлаб қолди. Миллий мусиқий маданиятимиз ва мақом санъати ривожига улкан ҳисса қўшди.

Абадиёт чорраҳасидаги уй

Юнус Ражабий уй-музеи 1997 йилда бастакорнинг ўғли Ҳасан Ражабий томонидан



ташкил этилган. Музей Тошкент шаҳрининг Яққасарой туманида жойлашган. Юнус Ражабий 1956 йилдан то 1976 йилга қадар, яъни умрининг охиригача йиллари айнан шу манзилда ўтказган.

Музейнинг умумий майдони 484 квадрат метр, кўргазма майдони 181 квадрат метрни ташкил қилади. Мазкур музей биноси икки қаватли бўлиб, бинонинг олд томонида Юнус Ражабийнинг ҳайкали ўрнатилган. Музейда 7 та — “Мемориал хона”, “Ешлик йиллари хонаси”, “Санъат хонаси”, “Шашмақом” хонаси, “Абадиёт хонаси”, “Фотокўргазмалар хонаси”, “Маърузалар хонаси” мавжуд. Ушбу хоналарда санъаткор ва унинг оила аъзолари ишлатган турли буюм ва ашёлардан иборат 6600 дан зиёд экспонат, бастакор қаламига оид 3 мингта яқин қўлёзма, қарийб 1000 та китоб, 60 га яқин мусиқа асбоби, фотосуратлар жой олган. Уларнинг ҳар бири ўз тарихи ва қийматига эга.

Экспозициядаги XIX аср бошларида танбур чизигида ўзбек мақомларининг Комил Хоразмий томонидан ёзилган эскича нота ёзуви китоби, Юнус Ражабий ўзи чалган най ҳамда пианино, Юнус Ражабий ёзган 12 жилдлик китоб қўлёзмалари, 5 жилдлик “Ўзбек халқ мусиқаси”, 6 жилдлик “Шашмақом”, “Мусиқа меросини бир назар” мусиқий рисолиси, кийим-бошлари, концерт кийимлари, ўзбек халқ чолгу созлари коллекцияси, ўз оиласи, устозлари, шогирдлари ва

сафдошларининг мойбўёқда ишланган портретлари, фотосуратлари уй-музеининг ноёб экспонатлари ҳисобланади.

Музейда махсус зал бўлиб, у ўзбек мақомига бағишланган. Унда Ўзбекистон мусиқа маданияти тарихига доир нодир ҳужжатлар, қўлёзмалар, расмлар бор. Бу ерда меҳмонлар учун махсус кичик концертлар уюштирилади. Музейда Юнус Ражабий ва бошқа машҳур мусиқачилар томонидан яратилган куйларни тинглаш, мусиқа дарғаси ҳақидаги видеофильмни томоша қилиш мумкин.

“Бу хондонини уй-музейга айлантириш гоёси қандай пайдо бўлди? Шу ерга яқин жойда Абулдула Қаҳор уй-музеи ҳам бор. Шунини музейга айлантиришгаётган пайт (ўшанда Улмас Умарбеков шундай хайрли ишларга бош эди) “Мана шу уй ҳам музей бўлиши керак”, деб ўтиб кетган, — дея хо-

музейдаги антиқа буюмларнинг ақсарияти отамга мухлислари, шогирдлари томонидан совға қилинган. Бир куни шогирди Берта Давидова хўро ҳайкалчасини олиб келди. Отамизга узата туриб, бундай ҳазилнома гап қилди:

— Юнус ака, сиз бу соҳада хўросиз, мен эса товукман.

Бир оз ҳайратланиб турган отам шогирдининг соддалигидан шарақлаб кулиб юборди. Эътибор билан қаралса, музейда китоблар ниҳоятда кўп. Аслида, булар жами китобларнинг юздан бири ҳам чиқмас. Саралаб, дид билан ўқиса-да, ниҳоятда кўп мутлола қилар эди.

Ушбу даргоҳни зиёрат этар экансиз, қадмларини эсимизга монанд бераётган наволар — ўзбек, тожик, уйғур мақомлари, озарбайжон, арман тагилири, ҳинд рагалари янграб туради. Музейнинг бир хонасида Тошкентнинг Чақар маҳалласидан Юнус Ражабий туғилиб ўстан унинг митти макети, маҳалланинг фотосаҳифаси, ўша уйда ишлатилган уй-рўзгор буюмлари, онасининг портрети, сўзана, санъаткор замондошларнинг фотосуратлари жойлашган.

Иккинчи қаватга чиқаришдан расмом Собир Раҳматов томонидан яратилган бетакор картина осилган. Биринчи хонада Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижоди, она аъзолари тасвирланган фотосуратлар, ҳужжатлар намоиш этилган. Иккинчи хонада композиторнинг кутубхонаси жамланган ишчи хонаси ўз ҳолича сақланган. Мазкур хонада соҳир овозида ҳам баҳор лафоти, ҳам момақалдароқ садолари, ҳам ўзбек кўнглининг ҳарорати мужассам санъаткор ишган давр руҳи, айниқса, кўпроқ сезилди.

Уй-музейнинг “Ешлик йиллари” бўлимидаги кашкул-челак (Юнус Ражабий оиласида ишлатилган), шаҳодатнома (Юнус Ражабий Тошкент мусиқа техникумида ўқигани ҳақида), “Баҳор” мусиқий асарни қўлёзмаси, 1926 йилга тегишли, Юнус Ражабийнинг Самарқандда машҳур ҳофизлар ва созандалар билан тушган фотосурати, гувоҳнома (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби), сафойил (уй-гур халқ мусиқа сози), обдаста (XIX аср), “Санъат хонаси” бўлимидаги беқасам тўн (Юнус Ражабий мақом ансамбли билан концертларда кийган), адрас тўн, “Зайнаб ва Омон” операси дастури, Юнус Ражабийга 1953 йилда берилган “Ўзбекистон халқ артисти” нишонини, телеграмма, фортепиано (1930 йилларда сотиб олган), Юнус Ражабийнинг “Фонд хонаси” бўлимидаги қўлёзмалари (“Лайли ва Мажнун” мусиқали драматси), қамчин (Юнус Ражабийнинг рафқаси Қумри Муталовнинг отасидан эсдалик қолган, XIX аср охири — XX аср бошлари), “Шашмақом хонаси” бўлимидаги “Шест музыкальных поем” китоби (1924 йил Бухорода Фитрат ва Николай Мионов тахририда нашр этирилган), “Кичик баёз” китоби, форсий газаллар тўплами (XVIII асрнинг иккинчи ярми), “Абадиёт хонаси” бўлимидаги ашула дафтари (Юнус Ражабий ёнида олиб юрган), Юнус Ражабий уй-музеи барпо этилишида бир гуруҳ санъаткорларнинг имзоси қўйилган саҳифалар каби ноёб буюмлар ташириф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Ушбу музей Тошкентдаги энг кўзга кўринган, ишини яхши ташкил этган, жуда кўп сонли томошабинларга хизмат қиладиган, яхши экскурсия ишларини олиб борадиган

музейлар сирасига киради. Музейга 360. vtmuseum.uz интернет сайти орқали 3D визуал саёҳат қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Соҳир овоз соҳиби

1897 йил Тошкентнинг Чақар маҳалласида қалбон Ражаб ота ҳовлисида чақалоқ дунёга келади. Унга Юнус деб исм қўйишади. Ражаб ота асли боғбон бўлса-да, жуда сервазқ, санъатни жон-дилидан хуш кўрадиган киши эди. У ўғлини ёшлигидан турли йиғинларга, давраларга олиб борар, жажжи Юнус эса созанда ва хонандалар ижросидаги дилтортар куй ва қўшиқларни мароқ билан тинглаб, ўрганишга ҳаракат қиларди. Юнус Ражабий дастлаб акиси Ризқи Ражабийга эргашиб, дуторда куйлар машқ қила бошлади.

Кейинчалик эса андижонлик Мирзақосим ҳофиздан Тошкент ва Фаргона водийсида айтиладиган мақом парчаларини тинглаб ўрганиш ва дутор чалиб ашула айта бошлади. У секин-аста Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Шорайим Шоумаров сингари санъаткорлар назарига тушади. Улар ижро этган мақом ашулаларини бор диққат-эътибори билан ўрганишга бел боғлайди. 1919 йилда

Музейдаги антиқа буюмларнинг ақсарияти отамга мухлислари, шогирдлари томонидан совға қилинган. Бир куни шогирди Берта Давидова хўро ҳайкалчасини олиб келди. Отамизга узата туриб, бундай ҳазилнома гап қилди:

— Юнус ака, сиз бу соҳада хўросиз, мен эса товукман.

Бир оз ҳайратланиб турган отам шогирдининг соддалигидан шарақлаб кулиб юборди. Эътибор билан қаралса, музейда китоблар ниҳоятда кўп. Аслида, булар жами китобларнинг юздан бири ҳам чиқмас. Саралаб, дид билан ўқиса-да, ниҳоятда кўп мутлола қилар эди.

Ушбу даргоҳни зиёрат этар экансиз, қадмларини эсимизга монанд бераётган наволар — ўзбек, тожик, уйғур мақомлари, озарбайжон, арман тагилири, ҳинд рагалари янграб туради. Музейнинг бир хонасида Тошкентнинг Чақар маҳалласидан Юнус Ражабий туғилиб ўстан унинг митти макети, маҳалланинг фотосаҳифаси, ўша уйда ишлатилган уй-рўзгор буюмлари, онасининг портрети, сўзана, санъаткор замондошларнинг фотосуратлари жойлашган.

Иккинчи қаватга чиқаришдан расмом Собир Раҳматов томонидан яратилган бетакор картина осилган. Биринчи хонада Юнус Ражабийнинг ҳаёти ва ижоди, она аъзолари тасвирланган фотосуратлар, ҳужжатлар намоиш этилган. Иккинчи хонада композиторнинг кутубхонаси жамланган ишчи хонаси ўз ҳолича сақланган. Мазкур хонада соҳир овозида ҳам баҳор лафоти, ҳам момақалдароқ садолари, ҳам ўзбек кўнглининг ҳарорати мужассам санъаткор ишган давр руҳи, айниқса, кўпроқ сезилди.

Уй-музейнинг “Ешлик йиллари” бўлимидаги кашкул-челак (Юнус Ражабий оиласида ишлатилган), шаҳодатнома (Юнус Ражабий Тошкент мусиқа техникумида ўқигани ҳақида), “Баҳор” мусиқий асарни қўлёзмаси, 1926 йилга тегишли, Юнус Ражабийнинг Самарқандда машҳур ҳофизлар ва созандалар билан тушган фотосурати, гувоҳнома (Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби), сафойил (уй-гур халқ мусиқа сози), обдаста (XIX аср), “Санъат хонаси” бўлимидаги беқасам тўн (Юнус Ражабий мақом ансамбли билан концертларда кийган), адрас тўн, “Зайнаб ва Омон” операси дастури, Юнус Ражабийга 1953 йилда берилган “Ўзбекистон халқ артисти” нишонини, телеграмма, фортепиано (1930 йилларда сотиб олган), Юнус Ражабийнинг “Фонд хонаси” бўлимидаги қўлёзмалари (“Лайли ва Мажнун” мусиқали драматси), қамчин (Юнус Ражабийнинг рафқаси Қумри Муталовнинг отасидан эсдалик қолган, XIX аср охири — XX аср бошлари), “Шашмақом хонаси” бўлимидаги “Шест музыкальных поем” китоби (1924 йил Бухорода Фитрат ва Николай Мионов тахририда нашр этирилган), “Кичик баёз” китоби, форсий газаллар тўплами (XVIII асрнинг иккинчи ярми), “Абадиёт хонаси” бўлимидаги ашула дафтари (Юнус Ражабий ёнида олиб юрган), Юнус Ражабий уй-музеи барпо этилишида бир гуруҳ санъаткорларнинг имзоси қўйилган саҳифалар каби ноёб буюмлар ташириф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотади.

Ушбу музей Тошкентдаги энг кўзга кўринган, ишини яхши ташкил этган, жуда кўп сонли томошабинларга хизмат қиладиган, яхши экскурсия ишларини олиб борадиган

Музейдаги антиқа буюмларнинг ақсарияти отамга мухлислари, шогирдлари томонидан совға қилинган. Бир куни шогирди Берта Давидова хўро ҳайкалчасини олиб келди. Отамизга узата туриб, бундай ҳазилнома гап қилди:

— Юнус ака, сиз бу соҳада хўросиз, мен эса товукман.

Бир оз ҳайратланиб турган отам шогирдининг соддалигидан шарақлаб кулиб юборди. Эътибор билан қаралса, музейда китоблар ниҳоятда кўп. Аслида, булар жами китобларнинг юздан бири ҳам чиқмас. Саралаб, дид билан ўқиса-да, ниҳоятда кўп мутлола қилар эди.

йўллари билан шу ерда танишдик. Хуллас, Ҳожи Абдулазиз бизга устоз бўлиб қолди”.
1924 йилда Ҳожи Абдулазиз Юнус Ражабийни Бухорога олиб боради ва у ерлик билимдон устозлар Ота Жалол, Уста Шоҳи Азизов, Қори Камол, Қори Нажим, Абдусанд Бегижон сингари таниқли мақом усталари билан таништиради.

Мақом ашулалари, куйлари унинг ҳаёти мазмунига айланади. Энди у тунлари билан мижага қоқмай, ёдида сақлаб қолган халқ куйларини оз-оздан нотага сола бошлади. У бу куйларни шунчаки кўр-кўрона нотага туширармас, ҳар бир мусиқа асарини қайта ўзлаштириб, ўзининг ижрочилик ва бастакорлик тажрибасига суяниб иш кўрарди. Акиси Ризқи Ражабийнинг айтишича, бастакор олти юзга яқин куй, ашула ва қўшиқни ёздан билган. 1937 йилда чоп этилган “Ўзбек халқ қўшиқлари”нинг иккала жилдига бастакорнинг турли жанрлардаги нотага олган халқ куйлари, ашула ва қўшиқлари киритилди. Унинг репертуаридаги “Ушшоқ”, “Талқини баёт”, “Баёт 1”, “Кошки”, “Гира 1”, “Чоргоҳ 1”, “Қаландар 1”, “Адои 1-2”, “Кўчабоғи 1-2” каби ўйлаб ашулалар хонанда томонидан юксак маҳорат билан ижро этилиб, унга катта шухрат келтирди.

Шунингдек, “Эшвой”, “Қурд”, “Қаландари”, “Шаҳнози гўлёр”, “Қаро кўзим”, “Дугоҳи Хусайний”, “Чоргоҳ”, “Мискин”, “Насруллои” каби мақомлар ҳамда у тиклаган “Субҳидам”, “Елғиз”, “Сайқал”, “Се-гоҳ”, “Дугоҳ” ва бошқа ўзбек халқ куй ва ашулалари тингловчилар қалбини ҳамон ҳаяжонга солиб, юракларни тўлқинлантириб келмоқда.

Ҳассос санъаткорнинг сайё-ҳаракатлари ўлароқ, 1939 йилда Романовска ва Анвар Абқаров томонидан тузилган “Ўзбек халқ қўшиқлари” тўпламига у нотага олган 29 та ашула ва халқ қўшиғи киритилган. Бир зум ҳам ижод ва изланишдан тўхтамаган санъаткор 1955-1959 йилларда 5 жилдлик “Ўзбек халқ мусиқаси” тўпламини нашр эттирди. Ундан ўзбек, тожик ва уйғур куй-ашулалари, Фаргона-Тошкент мақом йўллари, катта ашула ва ўйлаб бастакорларнинг мингта яқин асари жой олган. 1966-1974 йилларда Файзулла Кароматов тахрири остидаги “Шашмақом”нинг 6 жилдлик янги нашри ҳам Юнус Ражабийнинг узоқ йиллик изланишлари самарасидир.

Бастакор мусиқали драма театрлари учун ҳам бир қатор опера ва куйлар яратди. Масалан, Хуршиднинг “Фарҳод ва Ширин”, Аброр Ҳидоятнинг “Аваз” спектаклига халқ ашулалари асосида куйлар басталган бўлса, кейинчалик Собир Абдулла ва Чустийнинг “Қўшқор Турдией”, Борис Наҳеждин билан ҳамкорликда Амин Умарий ва Уйғуннинг “Қасос”, Георгий Мишель билан ҳамкорликда Хамид Олимжоннинг “Муқанна” сингари бир қатор драмаларига куйлар ёзиб, ўзбек мусиқали драма жанри шаклланишига ўз ҳиссасини қўшди.

Атқоли бастакор, академик Юнус Ражабий Ўзбекистон телевидениеси ва радиостанцияси тўғрисида тузилган “Мақом” ансамблини ташкил этди ҳамда баъдий раҳбари сифатида узоқ йиллар фаолият кўрсатди. Бугунги кунда бу ансамбль унинг муборак номи билан аталади. Бундан ташқари, Жиззах педагогика драма театрига ва Тошкент мусиқа мусиқали билим юртига, Тошкентдаги марказий кўчаларнинг бирига ҳамда Тошкент метрополитени бекатларида бирига унинг номи берилган.

Ражабийна теранлик

Уй-музей бўйича жами 14 та витраж бор. Ҳақмасини мусаввир Алишер Мирзо чизган. Барчаси санъат билан боғлиқ рамزلардан, тимсоллардан ташкил топган. Таширф буюрувчилар бу ерда шахмат кўп эканини пайқайди. Аввал уларнинг сони қирқтадан ортқ бўлган. Ижодкор уларни танишларига, бироқларига совға қилиб юборган. Юнус Ражабий қаерга борса, шахматга алоқдор намайор олиб келарди. Масалан, Ҳиндистондан бир сантиметри доначаларини олиб келган эди.

Уй-музей фалсафаси шундан иборатки, у бир инсонни ёдга олишни расмий тантана даражасидан тушириб, кундалик ҳаёт сағхига олиб чиқади. Шу ерда буюклик соддалашади, соддалик эса муқаддасликка айланади.

Уй-музейларга киришингиз билан бу ерда вақт тушунчаси ҳам ўзгаради. Кеча, бутун ва эртанинг чегаралари “топқалашади”. Яна бир муҳим жиҳат: уй-музейлар давлат музейларидан фарқли ўлароқ, шахсий хотирага таънади. У “катта тарих”ни “кичик ҳаёт” орқали англашга ундайди. Мафкура каби тушунчалар иккинчи даражада қолиб, олдинга лаки кўчган чойнак, эски дафтар, униккиб кетган кийим, оқ-қора сурат чиқади. Тўғри, бу буюмлар буюк гоёларни ташимас, бироқ ўша гоёлар ичида яшаган инсоннинг ҳақиқий қиёфасини кўрсатади. Илмийроқ қилиб айтганда, уй-музей — абстракт тарихга қарши қўйилган конкрет ҳаёт белгиси, жамият хотирасининг моддийлашган шакли. Аждодларимиз меросини ўрганиш, ёшларни тарих, адабиёт ва санъатимизга ҳурмат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашда айнан уларнинг фаолияти муҳим аҳамият касб этади.

GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN EZUVIGA ASOSLANGAN UZBEK ALIFBOSIDA UYUSHIRILGAN UCHUN MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти ДМ
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. **Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-246. 30829 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Одсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусахҳис: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзиллими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй
ЎЗА яқуни — 22:15 Топшириди — 23:20